Қишлоқ кўчалари ва хиёбонлар ландшафтини шакллантириш

Имомов М., Каримов У.Н., Нарзиева К.Қ.
ўқитувчилар СамДАҚИ

Мазкур мақолада қишлоқ кўчалари ва хиёбонларнинг оммавий ҳаракат ҳудудларини тизимли ташкил этиш, кўкаламзорларни шакллантиришнинг таркибий тузулмалари ва қўлланилиш тартиботлари асослаб берилган.

Қишлоқ кўчалари ва хиёбонлари жойлашган жойи ва мавқеига қараб турлича бўлади. Унинг эни шунга мос равишда белгиланиб, кўчаларни кўкаламзорлаштириш ва ландшафт архитектураси масалалари ҳам уларнинг тури ва энига, ориентациясига ва жойлашган ўрнига кўчалар ва хиёбонлардаги кўкаламзорларнинг асосий вазифаси – бу аҳолини чанглар, шамоллар, шовқин ва қуёш нури тафтидан ҳимоя қилишдир. Айни пайтда, кўчаларнинг меъморий-бадиий ва ландшафт ечимларининг савияси ҳам катта аҳамиятга эгадир. Кўчаларни, асосан, ташқи кўринишидан тўғри шаклларга эга бўлган баланд ўсувчи довдарахтлар (липа, тополь, клен, ясень ва бошқалар) билан кўкаламзорлаштириш тавсия этилади.

Кўчаларни кўкаламзорлаштиришнинг энг оддий тури – бу кўчанинг ҳаракатланиш четки қисми ва тротуар ўртасидаги масофа, яъни яшил полосага қаторлаб оралиғи тенг дарахтлар ўтқазиб чиқишдир. Ушбу яшил полосага бир қатор дарахтлар экилганда унинг эни 3 м, икки қатор дарахт экилса – 5 м олинади. Кўп қатновли кенг магистрал кўчаларда эса ушбу яшил полосанинг эни 7,5 метргача бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда кўча томондан бир қатор дарахт экиб қолган ҳудудни эса хили, ўлчамлари, бўйи ва шакллари турлича бўлган дарахт ва буталардан тузилган гуруҳлар ёрдамида кўкаламзорлаштириш мумкин. Айрим ҳолларда майсазор устига тротуар четига яқин қилиб гуллар ҳам экилиши мумкин[3].

Чорраҳалар, кўчанинг бурилган жойлари ва пиёдалар ўтадиган жойлар олдига экилган дарахт ва буталар транспорт ҳайдовчилари ва пиёдаларга йўлни ва ҳаракатланаётган транспортларни кўришга ҳалақит бермаслиги, светафорларни ва йўл кўрсатгичларини тўсиб қўймаслиги керак.

Ташқи ёритиш фонарларининг устунларини эса кўча ўртасидаги ҳаракатланиш йўлларини ажратувчи яшил полосада жойлаштириш мақсадга мувофиқдир. Йўлларни ажратувчи яшил полосага, одатда, йўллар эни унча катта бўлмаган ҳолларда, буталар ва майсазор, йўлларнинг эни катта (ҳар томонга 3-4 йўналиш) бўлган ҳолларда дарахтлар ва майсазорлар, транспортларнинг бурилиш жойларида эса пастқам буталар, майсазор ва гулзорлар экилади.

Тротуарларнинг эни катта бўлса, ўрта қисмига модулли махсус яшил композициялар, рабаткалар ёки алоҳида гуллар гуруҳи, пастқам миксбордерларни шакллантириш мумкин. Уларни тупроққа экишнинг иложи бўлмаса, сопол ёки бетон вазаларга, махсус қутиларга экиб жойлаштириш мумкин. Кенг тротуарларнинг бўйлама ўқи бўйлаб танаси тиғиз, соя-салқин берувчи дов-дарахтларни махсус лункалар билан экиш тажрибаси ҳам иссиқ иқлимли мамлакатларда кенг тарқалган. Бунда лунка қопламасини ўрнатишни унитмаслик керак.

Кўчанинг машиналар ҳаракатига яқин ариқ бўйлаб буталарни яшил тўсиқ шаклида экиш тавсия этилмайди, чунки улар қишда қор кўчкиларидан, ёзда эса кўча ахлатларидан озор чекади.

Кўчаларга экиладиган буталарнинг бўйи 1,5 метрдан катта бўлмаган, япроқлари тиғиз ва яхши гулловчи турлари танланади, чунки баланд буталар тротуар ҳайдовчиларининг кўриш имкониятларини чеклаб қўяди. Бундай буталарга спирея, тунберг барбариси, хеномелесларнинг турли хиллари киради. Буталар қаторлаб экилганда яшил қаторнинг эни

бир қатор учун 0,8 м, икки қатор экилса – 1,5 метрдан кам бўлмаслиги керак[1].

Буталардан тузилган гуруҳларни баланд дарахтлар орасига ёки қаторлар узилган жойларга, яъни кўча томонга қараган жамоат бинолари олдига экиш мумкин. Бундай ҳолларда буталар фонига кўпйиллик ўсимликларни экиш тавсия этилади. Бу кўчаларни манзаравий безашга ва бир хилликка барҳам беришга ёрдам беради.

Агар кўча эни катта бўлса кўча йўлининг чети ва тротуар ўртасига бульвар шакллантирса бўлади. Унинг минимал эни 10 м. Ўртадан пиёдалар учун йўлак қилиб, ўтириш учун скамейкаларга жой ва йўлакни дарахтлар қатори билан кўкаламзорлаштириш мумкин. Агар бульвар эни катта бўлса дарахтлар ва буталардан тузилган гуруҳ композицияларини шакллантирса бўлади. Уларнинг фонига эса кўпйиллик гулловчи ўсимликлар экиш зарурки, уларнинг хиллари турлича бўлсин (аквилегия, гайлардия, лилия, флокс метельчатый). Пиёда йўлакчаси бўйлаб миксбордер композициясини қўллаш лозим.

Кўчалар ориентациясига, яъни уфқ томонларига нисбатан жойлашишига қараб кенгликлар йўналишидаги (ўқи ғарбдан шарққа), меридионал йўналишдаги (ўқи шимолдан жанубга) ва диогонал йўналишлардаги (ўқи шимолий-ғарбдан жанубий-шарққа ёки шимолий-шарқдан жанубий-ғарбга қараб) жойлашган кўчаларга бўлинади.

Кенгликлар йўналишидаги кўчаларнинг жануб томонидаги уйлар фасадига қуёш нури тушмайди ва сояга мухтож эмас. Бу ерда фақат тротуар соялантирилади. Жануб томонда жойлашган уйлар кўп қаватли бўлганда улардан тушаётган соя тротуарни ёпади ва тротуар соялантиришга мухтож бўлмайди. Бироқ, кўчанинг шимолий тарафидаги уйларни ва тротуарни соялантириш зарур бўлади.

Меридианал йўналишдаги кўчаларда вазият бошқача. Бундай кўчаларнинг ҳар иккала томонидаги тротуарлар ва бинолар ҳам қуёш нуридан ҳимояланишга мухтожлик сезади.

Диоганал йўналишли кўчаларнинг жанубий-ғарбга ёки жанубий-шарққа қараган бинолари ва тротуарларини ҳам офтобдан ҳимоялаш зарур. Айниқса ўқи билан шимолий-шарқдан жанубий-ғарбга қараган кўчаларда аҳвол янада оғир бўлиб, тушдан кейин бу кўчалар тротуар-ларини икки ёқлама қаторлаб дарахтлар экиш йўли билангина жазирама қуёш нуридан сақлаб қолиш мумкин. Кўчаларни кўкаламзорлаштиришда бу ҳолатларни эътиборга олмаслик жиддий хатоликларга олиб келиши мумкин[2].

Фойдаланилган адабиётлар

1. **Уралов А.С., Балгаева Ш.А.** Қишлоқ тураржой ҳудудларининг меъморий ландшафтини такомиллаштириш масалалари**.** //Меъморчилик ва қурилиш муаммолари илмий–техник журнали, 2009, №3.

2. **Досахмедов А.О.** Аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлашти-риш.–Т., 2001.

3. **Кузьличев И. Печеницын В.** Озеленение городов и сел Узбекистана.–Т., 1979.